

**ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ
ХАБАРНОМАСИ**

6 (84) 2020



**ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ
УЗБЕКИСТАНА**

6 (84) 2020

**BULLETIN OF THE AGRARIAN
SCIENCE OF UZBEKISTAN**

БОШ МУҲАРРИР:

академик

**Ботир
СУЛАЙМОНОВ**

**Бош муҳаррир
ўринбосарлари:**
профессор

**Камолиддин
СУЛТОНОВ**

профессор

**Лазизахон
ГАФУРОВА**

қ.х.ф. доктори

Махсуд АДИЛОВ

**Ижрочи директор:
Бахтиёр НУРМАТОВ**

**Муҳаррир:
Денислам
АЛИМКУЛОВ**

Журнал 2000 йил апрель
ойида ташкил топган.
Бир йилда 6 марта чоп
этилади.

100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 2,
ТошДАУ
Тел: (+99871) 260-44-95.
Факс: 260-38-60.

E-mail:
nurmatovbaxtivor868@gmail.com
*Мақолада келтирилган факт
ва рақамлар учун муаллифлар
жаавобгардир.*

**6 (84)
2020 йил**

ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ

Тахрир хайъати:

*А.А. Абдуллаев – академик,
И.А. Абдурахманов – профессор,
А.А. Аманов – профессор,
Х.Н. Атабаева – профессор,
Х.Ч.Буриев – профессор,
И.И.Васенев – профессор (Россия)
С.С. Гулямов – академик,
Р.Д. Дусмуратов – профессор,
В.И. Зувев – профессор,
А.К. Катимов – профессор,
Х.Х.Кимсанбаев – профессор,
Л.С.Кучкарова – профессор,
М.А.Мазиров – профессор (Россия)
А.М.Мухаммадиев – профессор,
Р.С.Назаров – профессор,
У.Н.Носиров – профессор,
Т.Э.Остонокулов – профессор,
Ш.Н.Нурматов – профессор,
С.Я.Исломов – профессор,
М.Т.Ташиболтаев – профессор,
Ш.Ж.Тешаев – профессор,
Т.Ф.Фармонов – профессор,
Б.О. Хасанов – профессор,
Э.А.Холмуродов – профессор,
Н.С.Хушиматов – профессор,
У.П. Умурзаков – профессор,
А.А.Абдувасиков – доцент*

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб
чиқариш ва озиқ-овқат таъминоти маркази.

Тошкент давлат аграр университети.

Анджон қишлоқ хўжалиги ва агротехнология институти.

Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали.

Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали.

**ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ
УЗБЕКИСТАНА**

**BULLETIN OF THE AGRARIAN
SCIENCE OF UZBEKISTAN**

М У Н Д А Р И Ж А

Пахтачилик

Тухлиев М.Р., Намазов Ш.Э., Матякубов С.К. Бухоро-102 гуза нави иштирокида чашиштириб олинган G_4 дурагайларнинг эрташишарлиги.....	6
Дадажонов Ж.Р., Алиқулов Э.О., Эргашев О.Р. Ғузанинг янги тизма ва навларида хўжалик белгилари кўрсаткичларининг фенотипик намоён бўлиши бўйича таҳлиллар.....	8
Эргашев О.Р. Ўрта толали гуза навида қимматли хўжалик белгиларининг шаклланиши ва уларнинг барқарорлашувида яққа танлашнинг аҳамияти.....	9
Закирова Р.П., Асатова С.С., Абдурасулова К.К., Ташпулатова Ф.Ш. Модифицированная питательная среда для выращивания клеточной культуры хлопчатника.....	11
Кучқоров О.Э., Эгамбердиев Р.Р., Шарипов Ш.Т., Баходирова Д.Н. Табиий шўрланган шароитда дурагайларда тола чикимини ўзгарувчанлиги ва ирсийланиши тавсифи.....	14
Усманов С.А. Сунъий иқлим шароитида гуза чигитларининг теримдан сунъий физиологик етилишига ҳарорат ва физик омилларнинг таъсири.....	16

Агроиктисодиёт

Саидов М.Х., Абдувасиков А.А., Мамадияров Д.У., Саидова Д.Н. Мамлакат иқтисодиётига агрокластерларни жорий этишнинг назарий-услубий асослари.....	20
Муратова М., Халмухамедова З. Инновацион ривожланиш асосида кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш.....	26
Саидов М.Х., Джумонов Д.С., Янгибоев Х.Б. Эконометрический анализ влияние миграции на экономику страны.....	29

Ўсимликшунослик

Телляев Р.Ш., Бобатова У.Д. Тошкент вилояти шароитида тритикале янги навларининг ўсиши, ривожланиш даврларига экиш муддатларининг таъсири.....	37
Худайқулов Ж.Б., Умарова З.Т. Жаҳон генотипидан танлаб олинган ерғоқнинг юқори ҳосилили нав ва намуналарининг муҳим хўжалик белгилари.....	41
Маткаримов Ф.И., Бабоев С.К., Бузруков С.С. Нўхат (<i>Cicer arietinum L.</i>) ўсимлигида хлорофилл микдори ўзгаришига микробиологик препаратларнинг таъсири.....	45
Қурбонов А.А., Хайруллаев С.Ш. Кўк нўхат навларининг поя баландлигига экиш муддатлари ва меъёрларини таъсири.....	48
Бобатова У.Д., Телляев Р.Ш. Экиш меъёрларини тритикале навларининг биометрик кўрсаткичларига таъсири	52
Қурбонов А.А., Хайруллаев С.Ш. Экиш муддатлари ва меъёрларини ясимқ навларининг шохланишига таъсири.....	56
Улуғбоев А.Ё., Усманова З., Тогаева С. Минерал озиклантиришни стивиянинг (<i>stevia rebaudiana bertonii</i>) кимёвий таркибига таъсири.....	58
Мамарузиев А.А., Ахмеджанов А.Н., Каримов Э.Ё., Абдумавланов О.А. Ғузанинг Зафар инновацион ишланмаси ва “Global textile solutions” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери.....	61
Юлчиева М., Махмудова М. <i>Datura Stramonium L.</i> ўсимлигини ўстириш технологияси.....	64

Ўрмончилик

Рўзиқулов Д.Н., Тўфлиева С.К. Доривор ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилишда дронлардан фойдаланиш.....	67
Қайимов А.Қ., Балтаниязов Ж.С. Нукус шаҳрини кўкаламзорлаштиришда фойдаланилаётган дарахт ва буталарнинг ўсиш ритми.....	69
Бердиев Э.Т. Саидов А.М. Пекан ёнғоғини (<i>carya illinoensis</i>) биоэкологик хусусиятлари ва кўпайтириш.....	71
Турдиев С.А., Бабаджанова Л.С., Ҳайтов Ф.Д. Архитектуравий ландшафтли боғлар.....	75
Тўлаев Д.Б. ёнғоқзор ўрмонларни ҳолати ва табиий кўпайишнинг биологик хусусиятлари.....	78

Зоотехния ва ветеринария

Вахидова Д.С., Файзилдинов А.А. Кросс-308 бройлер жужуларни озикаларнинг ўзлаштиришга бентонитни таъсири.....	82
Раҳманова Х.Э., Каримов О.Т. Махсус қуртхоналарда ўзгарувчан ҳароратини тут ипак қуртини маҳсулдорлик кўрсаткичларига таъсири.....	85

Курбонов И. Хоразм вилояти шароитида халқаланган қаламчалардан озукабоп бута тутзорлар барпо этишда шакл бериш тартиби ва муддатларини самарадолиги.....	88
--	----

Селекция, генетика ва уруғчилик

Рашидова Д.К., Якубов М.М. Кузги бугдой уруғликларини етиштириш тахлили.....	91
Жураев С.Т., Эгамбердиева С.А. Ўзбекистоннинг турли тупроқ-иклим шароитида ғуза дурагайлариининг вегетация даври давомийлиги.....	94
Мадартов Б.К., Рустамов Н. С., Рахмонкулов М.-А., Холмуродова Г. Р. Ғузанинг F ₂ усимликларида маҳсулдорликнинг бошқа ҳосилдорлик элементлари билан ўзаро боғлиқлиги.....	97

Тупроқшунослик ва агрокимё

Сафарова Н. Р., Ниязалиев Б. И., Тиллабеков Б.А., Сафаров Б.Қ. Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган таркибида микроэлементи бўлган гранулали ва суюқ азот ўғити қўлланилганда ғуза ҳосил элементлари тўпланишига таъсири.....	100
Мусурмонова М.П., Кучкарова Н.П., Сафарова Н. Р., Сафаров Б.Қ. Тошкент вилояти қир-адирларида тарқалган типик буз тупроқларни сифат баҳоси (Чиноз тумани мисолида).....	103
Қодирова Д.А., Шадиёва Н.И., Юлдашева М. Тоғ ва тоғ олди тупроқлари ферментатив фаоллигини гумус моддалари шаклланишидаги аҳамияти.....	105
Шадиёва Н.И., Юлдашева М.Д. Сангзор ҳавзасида тарқалган эрозияланган тупроқларининг айрим кимёвий хоссалари.....	109

Мевачилик ва сабзавотчилик

Адилов Х.А., Енилеев Н.Ш., Мансуров А.А. Қовун дарахтининг уруғлари унвчанлигини оширишда мақбул шароитларнинг таъсири.....	112
Аллайаров А.Н., Райимбаева Н.Т., Ахмеджанова К.А. Хужайра муҳандислиги усуллари ёрдамида абиотик ва биотик стресс омилларга чидамли регенерант ўсимликлар олиш.....	114
Иброҳимов Б.А. Тошкент вилояти шароитида бамия (<i>Hibiscus esculentus</i> L.) ни турли экиш муддатларида экилганда, ҳосилдорлиги ва мева таркибидаги биокимёвий моддаларнинг ўзгариши.....	118
Хушвақтов Н.Ж., Низомов Р.А. Иситилмайдиган иссиқхона шароитида экилган аччиқ қалампирнинг турли экиш схемаларини ўсимлик меваларининг биокимёвий таркибига таъсири.....	122
Фарходов А.А., Файзиёв Ж.Н., Мирзаев А.М. Узум ҳосилдорлиги ва сифатини тоқ туши юкласига боғлиқлиги.....	125
Сувонова М.М., Шокиров А.Ж. Такрорий экинда оқбош қарам етиштириш учун қулай экиш схемалари.....	128

Қишлоқ хўжалигида механизациялаш ва электрификациялаш

Жуматов Я.К., Абдурахмонов Ш.Х., Алижанов Д.А. Чорвадорлар учун винтсимон озук майдонлаш қурилмасини иқтисодий баҳолаш.....	131
Temirkulova N.M. O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligi sharoitida tomchilatib sug'orishning afzalligi.....	135
Худаяров Б., Кузиев У., Худойкулов Р. Боглар учун гўнг шарбатини тайёрлаш қурилмалари.....	138

Ўсимликларни химоя қилиш

Сулаймонов Б.А., Жумаев Р.А. Паразит-энтомофагларни (hymenoptera) in vitro усулида оммавий кўпайтириш ва сақлаш технологияси.....	142
Махмудова Ш.А. Такрорий муддатда экиладиган мопда зараркундаларнинг тур таркиби ва учраш даражаси.....	150
Коженикова А.Г. Yo'l-yo'l sikada, donli ekinlarning zararlanandasi va unga qarshi kurash choralari.....	152
Аблазова М.М., Зупарова Д.М. Иссиқхоналардаги сурувчи ҳашаротлардан ажратилган замбуруглар ва уларнинг айрим биологик хусусиятлари.....	154
Турдиева Д.Т., Хайиталиева Г.А. Бугдойда <i>fusarium</i> туркуми турларини аниқлаш.....	157
Супиев Р., Автономов В.А., Курбонов А.Ё., Каюмов У.К., Джумаев С. Ўрта толали ғузанинг турли авлодларининг коллекцион намуналари ва ДАК- популяцияларида “биринчи ҳосил шохининг жойланиш баланглиги” белгисини шакллантириш.....	161
Сулаймонов Б.А., Кимсанбаев Х.Х., Ортиқов У.Д., Яҳёев Ж.Н. Мевали богларда <i>Diaspididae</i> тур таркиби ва уларнинг биоэкологияси.....	164
Болтаев М.А., Мисиров Ш.Х., Пардаев Ж.Ж. Брокколи: аҳамияти, тайёрланиши ва сақланиши.....	171
Равшанов А.Э., Каюмов У.К., Курбонов А.Ё., Автономов В.А., Ходжанов Ш. Диаллел чашиштириш тизимида яратилган навлараро F ₁ дурагайлари толанинг чиқиши белгисининг ирсийланиши.....	175
Носирова З.Ф. Тут парвонасига қарши феромон туткичларни қўллашнинг самарадорлиги.....	178

Дехқончилик ва мелиорация

Дусбаев И.Р., Насиров Б.С., Чаршанбиев У.Ю. Ингичка толали ғуза етиштиришда бир йиллик бегона ўтларга қарши агротехник ва кимёвий курашнинг самараси.....	181
Абдурахимов Ш., Мирзакаримов Д. Ўтлоқи соз тупроқлар шароитида кузги бугдойни маҳсилдорлик кўрсаткичлари.....	185

Алтмишев А.Ш., Тухтамишев С. Қишлоқ хўжалиги экинларини минераллашган сувлар билан суғориш буйича талаблар ва тавсиялар.....	187
--	-----

Муаммолар. Муҳокамалар. Фактлар

S.Xolmirzayeva. O'zbek tili fanini o'qitishda idrok xaritasini qo'llash.....	191
Umarbekova G.A. Rus tili tarixini o'rganishda axborot – kommunikatsia texnologiyalari.....	193
Abdurayimov T.D., Mamarizayev Sh. Z. Ўзбекистонда Экотуризмни ривожлантиришнинг янги босқичи.....	195

Қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар

Халмурадов Т.Н. Агросаноат комплексда телемеханика тизимлари ва дронлардан фойдаланишнинг аҳамияти.....	198
---	-----

Қисқа ахборотлар

Соатов Б.Б. Карп (<i>Cyprinus carpio limnaeus</i> , 1758) балиғининг <i>Rhaphidascaris acus bloch</i> , 1779 нематодаси билан зарарланиши.....	202
---	-----

светлых, типичных и темно-серых почв, горно-коричневых карбонатных, горно-коричневых типичных, горно-коричневых слабощелочных, светлорыжих лугово-степных почв распространенных в условиях вертикальной зональности Туркестанского хребта. По полученным данным, активность изученных ферментов изменяются в зависимости от содержания органических веществ и интенсивности дыхания почв. Активность ферментов снижалась от светло-рыжих лугово-степных к светло-серых почв.

Ключевые слова: ферментативная активность, каталаза, дегидрогеназа, пероксидаза, полифенолоксидаза, эрозия, целинные почвы, богарные почвы, гумус.

D.A.Kodirova, N.I.Shadieva, M.D.Yuldasheva

The importance of the enzymative activity of mountain and pothonne soils in the formation of humic substances

The article presents the results of studies on the study of redox enzymes included in the group (catalase, dehydrogenase, peroxidase, polyphenol oxidase), in rainfed light, typical and dark gray soils, mountain brown carbonate, mountain brown typical, mountain brown slightly alkaline, light-brown meadow-steppe soils widespread in the conditions of vertical zoning of the Turkestans ridge. According to the data obtained, the activity of the studied enzymes changes depending on the content of organic matter and the intensity of soil respiration. The enzyme activity decreased from light brown meadow-steppe soils to light gray soils.

Key words: enzymatic activity, catalase, dehydrogenase, peroxidase, polyphenol oxidase, erosion, virgin soils, rain-fed soils, humus.

УДК 631.4:551.3

ШАДИЕВА Н.И., ЮЛДАШЕВА М.Д.

САНҒЗОР ҲАВЗАСИДА ТАРҚАЛГАН ЭРОЗИЯЛАНГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ АЙРИМ КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ

Маколада Туркистон тоғ тизмасининг шимолий ёнбағрида тарқалган типик бўз тупроқларнинг айрим кимёвий хоссаларини эрозия жараёнлари таъсирида ўзгаришига оид маълумотлар келтирилган. Олинган маълумотлар асосида тадқиқот ҳудуди тупроқларининг гумус ва азот миқдори орасида ўзаро коррелятив боғлиқлиги аниқланди.

Калит сўзлар: эрозия, экспозиция, қиялик экспозицияси, лалми, гумус, умумий азот, фосфор, калий, бўз тупроқлар.

КИРИШ

Ер ресурслари чегараланганлигини ҳисобга оладиган бўлса, ҳозирги кунда аҳоли сонини жадал суратларда ортиши натижасида ҳар бир қарич ердан унумли ва самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Шу билан бирга республикаимизда сув захираларининг чекланганлиги, сугоришда фойдаланиладиган сувларнинг асосий қисми қўшни мамлакатлардан кириб келаётганини ҳисобга олса, лалмикор деҳқончилик учун қулай бўлган ерлардан ҳам қишлоқ хўжалик мақсадларида кенг ва самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Аммо ноқулай рельефли шароитда шаклланган тоғ ва тоғ олди ҳудудларида лалмикор деҳқончиликни ташкил этилиши, табиат компонентларининг бир-бири билан боғлиқлиги қонуниятларига бўйсунган ҳолда, бир қатор ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир кўрсатувчи муаммолар мажмуини келтириб чиқаради. Бундай муаммолардан бири- ноқулай рельефли шароитда шаклланган тупроқларда эрозия жараёнларининг жадал ривожланишидир [3].

Шу сабабли, республикаимиз турли табиий-

экологик минтакаларида эрозияланган тоғ тупроқлари унумдорлигини тиклаш, муҳофаза қилиш ва сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Ушбу умумий масалаларни ечишда тоғ тупроқларининг хосса-хусусиятларини ҳисобга олингани ҳолда уларни кимёвий ва экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда дегумификация жараёнларини олдини олиш муҳим ҳисобланади [5].

УСЛУБЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

Изданишлар Туркистон тоғ тизмасининг шимолий ёнбағри Санғзор ҳавзасида тарқалган эрозияланган лалми типик бўз тупроқларда олиб борилди. Тупроқдаги умумий гумус миқдори-И.В.Тюрин усули Никитин модификацияси бўйича, умумий азот, фосфор ва калий миқдори-бир намунада Мешеряков усулида аниқланди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Тупроқларни кимёвий ва агрокимёвий хоссалари уларни унумдорлигини белгилашда қатта аҳамиятга эгадир. Ушбу хоссаларнинг эрозия жараёнлари натижасида ёмонлашиши тупроқдан олинадиган қишлоқ хўжалик экинларини ҳосил миқдори ва сифатини

пасайишига олиб келади [1, 4].

Тадқиқотлар олиб борилган ҳудуд тупроқларининг эрозияга учраган кўрик ва лалми тупроқлари мисолида уларнинг айрим кимёвий ва агрокимёвий хоссалари аниқланди.

Сангзор ҳавзаси чаи қиргоғида тарқалган турли даражада эрозияга учраган кўрик ва лалми тупроқларида гумус миқдори ҳар хил.

Олинган маълумотларга кўра, лалми тупроқларнинг юқори қатламларида гумус ва азот

миқдори типик бўз тупроқларда 1,60-1,15% ва 0,117-0,087% атрофида (жадвал).

Тупроқнинг юқори унумдор қатламлари эрозия таъсирида ювилиши оқибатида унинг кимёвий хоссаларида ҳам бир қанча ўзгаришлар бўлади. Сув айирғичдаги ва кенг тўлқинсимон текисликлардаги эрозияланмаган тупроқларга нисбатан эрозияланган тупроқларда гумусли қатлам қисқа, гумус миқдори эса кам бўлади [2].

Жадвал

Сангзор ҳавзаси чап қиргоғида тарқалган лалми ва кўрик бўз тупроқларининг айрим кимёвий хоссалари

№ Кесма	Тупроқ номи ва жойлашган ўрни	Қатлам см	Умумий %				C:N
			Гумус	Азот	Фосфор	Калий	
Типик бўз тупроқ							
1.	сув айирғич (лалми бугдой)	0-24	1,60	0,108	0,154	1,37	8,6
		24-55	1,14	0,087	0,125	1,26	7,6
		55-75	0,80	0,068	0,115	1,22	6,8
		75-120	0,62	0,061	0,107	1,31	5,9
		120-160	0,40	0,036	0,105	1,22	6,4
2.	қияликни ўрта қисми жанубий шарқий экспозиция. 7 ⁰ (лалми бугдой) ўртача ювилган.	0-21	1,15	0,087	0,140	1,37	7,7
		21-50	0,95	0,065	0,120	2,07	8,5
		50-70	0,70	0,051	0,115	1,53	8,0
		70-100	0,50	0,042	0,095	1,26	6,9
3.	қияликни ўрта қисми шимолий экспозиция. 7 ⁰ (лалми бугдой) ўртача ювилган.	0-24	1,55	0,117	0,145	1,64	7,7
		24-55	1,12	0,098	0,135	1,48	5,5
		55-80	0,75	0,077	0,120	1,37	5,6
		80-120	0,52	0,069	0,110	1,40	5,1
		120-155	0,37	0,040	0,100	1,22	5,0

Қиялик тупроқларида қиялик даражаларини ортиши билан тупроқнинг кимёвий ва агрокимёвий хоссалари ёмонлашиб, оқибатда гумус, азот, фосфор, калийни миқдорларини камайиши кузатилади. Айниқса қияликни кескин ўзгарган қисми кучли эрозияланишга учрайди ва ушбу тупроқлар гумусга жуда камбағал бўлади. Гумуснинг энг кўп миқдори сув айирғичда ҳамда ювилиб тупланган тупроқларда бўлиб, ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламдан пастки қатламларга ўтиб борган сари гумус ва озика элементлари миқдори секин аста камайиб боради [2].

Олинган маълумотларга кўра, тупроқ кесмаларида гумусни тарқалиши бир хил эмас: шимолий экспозиция тупроқларида гумус миқдори пастки қатламларга бир текис камайиб боради, жанубий экспозиция тупроқларида деярли кескин камайиб боради. Ўрганилган тупроқларида азот миқдори гумус миқдорига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Унинг энг кўп миқдори тупроқнинг юқори гумусли қатламида туланади. Турли даражада жанубий экспозиция тупроқларида унинг миқдори кескин камайган.

Типик бўз тупроқларининг ҳайдалма қатламларида ялпи фосфор миқдори ўртача эрозияланган жанубий экспозицияда 0,154-0,140% ни, қуйи қатламларга тушган сайин ялпи фосфор миқдори камайиб боради. Ушбу тупроқларда умумий калий миқдорини тарқалишида умумий фосфорда кузатилган қонуниятни сақлайди.

Гумус миқдори билан азот миқдорини ўзаро корреляцион боғлиқлиги $r=0.8785$ ($y=0.0523x+0.0152$) га тенг.

ХУЛОСА

Сангзор ҳавзасининг тоғ олди тупроқларида эрозия жараёнлари тупроқларни агрокимёвий ва кимёвий хоссаларига салбий таъсир кўрсатган. Натижада эрозия даражаси орган сайин тупроқнинг гумус ва озика элементлари (NPK) миқдори камайган, бу кўрсаткичлар қиялик экспозицияси ва эрозияланиш даражасига қараб ҳам турлича ўзгарганлиги кузатилди. Бу эса ўз навбатида кишлок ҳужалиги экинларини ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

ТошДАУ

Адабиётлар

1. Зиямухамедов И.А. Тупроқ органик моддаси ва унумдорлиги. Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Д.и.н. 2008. 214-б.
2. Махсудов Х.М. Эрозия почв аридной зоны Узбекистана Т., Фан 1989, -155 С.
3. Ташкузиев М.М., Шадиёва Н.И. Закономерности распространения гумуса и процессы гумусообразования в условиях почв предгорий Северного Туркестана //Вестник Каракалпакского отделения Академии Наук Республики Узбекистан. – Нукус- «Илим», 2009. -№ 3 (216), С 25-28.

4. Ташкузиев М.М., Шербекоев А., Органическое вещество некоторых почв сероземного пояса и агротехнологии, направленные на повышение их плодородия. /Сб. докл. Аграрная наука - сельскому хозяйству III Международная научно-практическая конференция Книга 1 Россия. Барнаул 2008.- с. 144-147.

5. Тошкузиев М.М., Тупрокда умумий гумус ва харакатчан гумус моддалари микдоридан унинг унумдорлиги курсаткичи сифатида фойдаланишга доир услубий курсатмалар. Тошкент 2006,-47 б.

Н.И.Шадиева, М.Д.Юлдашева

Некоторые химические свойства эродированных почв распространенных в левобережье бассейна Р. Санзар

В статье приведены результаты исследований, выявляющие влияния эрозионных процессов на изменение некоторые химические свойства типичного серозема пояса вертикального ряда. Выявлена коррелятивная зависимость между содержанием гумуса и азота.

N.I.Shadieva, M.D.Yuldasheva

Some chemical properties of eroded soils of left bank of the Sanzar river basin

The article presents the results of studies that reveal the impact of erosion on the changes in some chemical properties of soils of typical serozem zone soils of vertical row. Revealed a correlation between the content of humus and nitrogen. It is also noted an increase in direct proportion of these indicators by light serozem soils to low leached brown mountain soils.